

Гўшт нархини арzonлаштириш бўйича тавсиялар берилди



Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига сафари чоғида Марҳамат туманидаги “Водий ҳамкор агрофирмаси” томонидан ташкил этилган қуёнчилик кластери билан ҳам танишди.

1 гектардан зиёд майдонда ташкил қилинган мазкур кластер жорий йил 1 майдан ишга тушди.

Кооперация усулида 50 та хонадонга қуёнлар тарқатилиб, улардаги одамлар бандлиги таъминланди. Шунингдек, қуён терисини ошлаш ва теридан телпак тикиш цехида 20 та иш жойи яратилади.

Корхонага “Калифорния”, “Янги Зеландия”, “Фландер”, “Рекс” ва “Великан” зотли 1000 бosh қуён олиб келинган бўлиб, бир йил давомида улар сони 30 минг бoshга етиши кутилмоқда.

Куёнчилик кластери томонидан бир йилда жами 3 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш, 150 минг долларлик экспорт қилиш режалаштирилган.

Шу ерда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик корхоналари салоҳияти ҳақида маълумот берилди.

- Андижонда чорва кам, гўшт бошқа жойлардан олиб келингапти. Қуён, парранда, балиқ кўпайтирилиб, гўшти истеъмолга чиқарилса, вилоятда гўшт нархи тушади. Камбағал оиласаларга тарқатилиб, кластерлар томонидан қайта сотиб олинса, уларга даромад бўлади. Иқтисодий комплекс ва сектор раҳбарлари шу билан шуғулланиши керак, - деди Шавкат Мирзиёев.



Вилоятда омихта ем ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қуёнчиликни 1 миллион бoshга етказиш бўйича топшириқлар берилди.



Манба